

Савобли ишда мусобақа қилайлик



11:00 / 10.08.2019 1871

Аллоҳ таолога бандани яқинлаштирувчи энг савобли ибодатлардан бири – қурбонликдир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

“Одам боласи қурбонлик куни қиладиган амалларининг ичида қон чиқаришидан кўра Аллоҳ таолога маҳбуброқ амал йўқ. Қурбонликка сўйилган жонивор қиёмат куни ўз шоҳи, туёғи ва юнглари билан келади. Қурбонлик қони ерга тушмай туриб, Аллоҳ таолонинг ҳузурида қабул бўлади. Шунинг учун дилдан чиқариб қурбонлик қилинглар”, - дедилар” (Имом Ибн Можа ва Имом Термизий ривояти).

Қурбонлик қилиш жаҳаннамдан тўсиқлиги ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

“Ким қурбонликни чин кўнгилдан ва савоб умидида қилса, у (қурбонлик) унинг учун дўзахдан парда бўлади” (Имом Табароний ривояти).

Қурбонлик қилинаётган жонлиқни биринчи қон томчиси ерга тушиши билан эгасининг гуноҳлари кечирилиши борасида ҳадиси шарифда шундай келади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳога: “Эй Фотима қурбонлигингиз олдида туриб гувоҳ бўлинг. Чунки

қурбонлик қонининг биринчи қатраси томиши билан ўтган гуноҳларингиз мағфират қилинади”, – дедилар. Шунда Фотима онамиз: “Эй, Аллоҳнинг Расули, бу фақат бизни оиламиз учунми ёки биз ва барча мусулмонлар учунми?” – дедилар. Шунда У Зот: “Биз ва барча мусулмонлар учун”, – дедилар” (Имом Ҳоким ривояти).

Қурбонлик қилишга қодир бўла туриб, жонлиқ сўймаган кишидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хафа бўлиб бундай деганлар:

“Кимки қурбонлик қилишга имкон топиб, қурбонлик қилмаса, намозгоҳимизга келмасин” (Имом Ибн Можа ва Имом Аҳмад ривояти).

Шундай экан, имконимиз бўлса, ҳар биримиз бундай буюк савобли ишда бир-биримиз билан мусобақа қилишимиз айти муддаодир.

Islom.uz портали